

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

РЎЙХАТГА ОЛИНДИ
№ ВМ – 343 - 5А340606 – 2.08
« 1 » ИЮЛЬ 2003 й

«ТАСДИҚЛАНДИ»
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлиги

« 8 » ИЮЛЬ 2003 й

**МАРКАЗЛАШГАН ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА
УЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 340000 -«Бизнес ва бошқарув»
таълим соҳасидаги 5А3406015 — «Давлат инвесторлари»
магистратура мутахассислиги учун**

Тузувчилар: доц. Жўраев А. С.
к. ўқ. Султанов М. А.

Такризчилар: доц. Бобоқулов Т. И.
к. ўқ. Носиров Э. И.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш авваломбор молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиб, устувор соҳаларни ривожлантиришни тақозо этади. Ишлаб чиқиладиган инвестиция лойиҳаларининг ҳаётийлиги, давлатнинг устувор йўналишлари, тармоқларни ривожлантириш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда марказлашган молиявий маблағларни шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиб, миллий даромадни ошишига эришиш долзарб масала ҳисобланади.

Мазкур фанни ўқитишдан мақсад марказлашган инвестициялар моҳияти, мазмуни ва аҳамияти, уларнинг ялпи ички маҳсулотни кўпайтиришдаги ўрни, иқтисодиёт тармоқлари бўйича инвестицияга бўлган талабни аниқлаш, шу билан бирга марказлашган инвестицияларни молиялаштириш манбалари, жумладан, давлат бюджети ва бошқа марказлашган фондлар, гаров таъминоти, давлат кафолати остида жалб қилинадиган маблағлар, субсидия, субвенция, дотация бюджет ва кредит тушунчаларини, давлат аҳамиятига молик хўжалик субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш вазифалари ҳисобланади.

Шунингдек, фаннинг асосий вазифаси магистрантларга марказлашган инвестиция лойиҳаларини танлаб олиш, уларнинг экспертизаси, инвестиция фаолиятини мувофиқлаштиришда давлат ташкилотларининг ўрни, давлат бюджети камомади ва уни қоплаш манбалари, жумладан давлатнинг қарздорлик мажбуриятларини муомалага чиқариш ва эмиссия жараёнлари билан боғлиқ масалалар юзасидан билим эгаллашларига имконият яратишдан иборат.

Углубление экономических реформ в республике, прежде всего, требует развития приоритетных отраслей, эффективное использование финансовых ресурсов.

Увеличение национального дохода зависит от жизнеспособности разрабатываемых инвестиционных проектов. Особую актуальность приобретает формирование централизованных финансовых ресурсов для приоритетных направлений государства в условиях рыночных отношений.

Основной целью изучения данной дисциплины является определение сущности и значения централизованных инвестиций, их роль в увеличении валового внутреннего продукта, определение потребности инвестиции по отраслям экономики, источников финансирования централизованных инвестиций, т.е. государственный бюджет и другие централизованные фонды, обеспечение средств под гарантии правительства, понятия субвенций, субсидий, дотаций,

государственный кредит и финансовые поддержки хозяйствующих субъектов государственного значения.

А также основной задачей данной дисциплины является создание необходимых условий для магистрантов в осваивании знаний относительно вопросов, связанных с отбором централизованных инвестиционных проектов, их экспертиза, роль государственных органов в урегулировании инвестиционных проектов, дефицит государственного бюджета и источники их покрытия, в том числе, выпуск государственных долговых обязательств и другие вопросы, связанные с эмиссией.

Deepening of economic reforms in the republic demands, first of all of perspective branches and effective utilization of financial resources.

The increase of the national income depends viability developed investment projects. Formations of the centralized financial resources for priority directions of the state in conditions of market attitudes is actual.

The basic purpose of the study is essence and value of the centralized investments, a role of investments in increase of a total internal product, definition of requirement of the investment on branches of economy, sources financing of the centralized investments i.e. the state budget and other centralized funds, maintenance of the funds under guarantees of the government, concept, grants, the state loan and financial supports of managing subjects of the state importance.

And also the primary goal of the given study is to create importance to master knowledge concerning questions of the centralized investment funds connected by selections, examination of the given projects, a role of the state bodies in regulation of investment projects, deficiency of the state budget and sources of their coverage, including release of the state liabilities and other problems connected with issue.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (2003 йил 25 апрель 9-сонли баённома)

Дастур Ўзбекистан Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баени).

1. СЎЗ БОШИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали жамият аъзолари фаровонлигини оширишга йўналтирилган. Мазкур йўналишларни янада фаоллаштиришда мукамал танлаб олинган инвестиция лойиҳаларига замон талабига мос технологияни жалб этиш, шунингдек, уларни зарур молиявий ресурслар, хусусан марказлашган инвестициялар билан таъминлашнинг аҳамияти янада ошиб боради.

Уқув фанининг мақсад ва вазифалари, бошқа фаилар билан ўзаро боғланиши

«Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» фанини ўқитишнинг асосий мақсади республика давлат бюджетининг даромад манбаларини шакллантириш, иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат аҳамиятига молик соҳаларни молиявий қўллаб-қуватлаш бўлиб ҳисобланади. Республикада ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш учун фаолият кўрсатаётган корхоналарга ҳаётий лойиҳалар танлаб олиш, уларни янги технологиялар билан таъминлаб, самарадорлигини ошириш, марказлашган инвестицияларни амалга ошириш учун манбаларни яратиш, масалаларни атрофича ўрганиш мазкур фанининг асосий вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга марказлашган инвестицияларни молиялаштириш, таҳлил қилиш жараёни билан шуғулланувчи ташкилотларнинг вазифаларини ўрганиш ҳам катта аҳамият касб этади.

Ушбу фан «Давлат бюджета», «Солиқ ва солиққа тортиш», «Инвестицион таҳлил», «Инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш» механизми», «Лойиҳа-смета иши», «Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш», ва «Давлат инвестиция сиёсати» каби фанлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, магистрантлардан ушбу фанларни ҳам чуқур ўзлаштириш талаб этилади.

Уқув фани бўйича билим, кўникма ва малакаларга талаблар

Ушбу фани ўрганиш натижасида магистрантлар тегишли билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари лозим.

Магистрантлар умумназарий фанлардан олган билимлари билан бир қаторда - инвестиция ва хорижий инвестиция соҳасига оид қонунчилик, шунингдек, инвестиция сиёсатидаги ўзгаришлардан ҳам хабардор бўлишлари лозим.

«Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» ўқув фани бўйича магистрантлар куйидаги масалаларни билишлари лозим:

- марказлашган инвестицияларнинг моҳияти, мазмуни ва аҳамияти;
- давлат аҳамиятига молик соҳалар ва уларни ривожлантириш хусусиятлари;
- қабул қилинаётган инвестиция дастурлари ва уларни амалга ошириш жараёни;
- давлат кафолати остида жалб қилинадиган инвестициялар ва уларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши;
- рискли молиялаштириш ва унинг инвестициялаш жараёнидаги аҳамияти;
- марказлашган инвестицияларни молиялаштириш манбалари;
- хусусийлаштириш жараёнида марказлашган инвестициялар;
- гаров таъминоти;
- марказлашган инвестициялар ва давлат бюджета;
- инвестиция фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар;
- инвестиция фаолиятига тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатлар;

Магистрантлар мазкур ўқув фани бўйича юқорида кўрсатиб ўтилган масалалар бўйича тасаввурга эга бўлишлари, билимларини амалиётда қўллай олишлари ҳамда янгиликларни ўзлаштира билишлари керак.

Шунингдек улар компьютерлардан ва бошқа замонавий ахборот воситаларидан фойдаланиш асосларини ўргатувчи фанларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Таълим жараёнида назарий билим билан амалиётни солиштириш уеулларини, магистрантларнинг мустақиллигини таъминловчи ўқув жараёнини, билим ва илмга бўлган қизиқишини ташкил қилиш билан бирга уларга мустақил билим олиш учун шароит яратиш бериш зарур.

«Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» фанидан олган билимлар магистрантларни олий ўқув юртини тамомлагандан сўнг, кундалик фаолиятида учрайдиган долзарб амалий масалаларни ечишда ҳамда иқтисодиётга доир замонавий адабиётларни ўрганиб малакаларини оширишларида ҳам қўл келади.

Амалий, семинар ва лаборатория машғулотлари бўйича бажариладиган ишлар миқдорига минимал талаблар

Ишчи ўқув дастурида келтирилган амалий (семинар) машғулотлар мавзулари юзасидан магистрантлар тегишли мавзулар бўйича конспектлар олади, рефератлар ва мустақил ишлар тайёрлайди ҳамда амалиёт ўқитувчиси назоратида улар юзасидан оғзаки суҳбатдан ўтадилар. Ушбу талаблар амалий машғулотлар мавзуларида курсив билан кўрсатилган саволлар бўйича магистрантларнинг даре жараёнини тўлиқ ўзлаштиришларини белгилайди.

Машғулотлар бўйича тавсиялар

Ўқув режаси бўйича фанга жами 120, шу жумладан 40 - м аъруза, 40 - амаллий, 40 -мустақил таълим соатлари ажратилган.

Ўқув жараёнида режага мувофиқ олдин маъруза, кейин амалий машғулот ўтказилади. Ўтилган мавзулар бўйича магистрантларнинг мустақил ўрганиши учун алоқида мавзулар бўйича уй вазифалари берилади. Магистрантларнинг олган билимларини аниқлашнинг оғзаки ёки ёзма усуллари қўлланилади.

Талабалар билимини баҳолаш учун ўтказиладиган назорат тадбирлари миқдори

Ушбу фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ўқув рейтинг тизими бўйича жорий, оралик ва якуний баҳолашда йиғилган баллар асосида белгиланади.

Фанни ўқитишда ҳар бир семестрда икки маротаба жорий, икки маротаба оралик ва бир маротаба якуний баҳолаш амалга оширилади. Агар фан бир неча семестр давомида ўқитилиши кўзда тутилса, олдинги семестрлар ниҳоясида якуний баҳолаш оғзаки ёки тест усулида, охириги семестрда эса якуний баҳолаш фақат ёзма иш усулида амалга оширилади.

Компьютер, информацией ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларини қўллаш

Қуйидагилар «Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» фанини ўқитишда фойдаланиладиган компьютер, ахборот ва бошқа замонавий ўқитиш технологияларининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

- ўқув мақсадлари ва вазифалар каталогини ишлаб чиқиш;
- ўқув мақсадларини назорат (тест) топшириқларига кўчириш;
- тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан, слайд, компьютер дастурларидан фойдаланиш;
- режалаштирилган мақсадларнинг бажарилишини баҳолаш.

Магистрантларга фанни замонавий усулда ўргатиш, уларнинг мустақил билим олишига шароит яратиш ҳамда олган билимини мустақил равишда баҳолаш учун қуйидагилардан фойдаланилади:

- магистрантларни оддидан тарқатма материаллар билан таъминлашга эришиш;
- магистрантларга ўз билимларини ўзи баҳолаши учун шароит яратиб бериш;
- магистрантларнинг билимини таянч иборалар асосида баҳолашни жорий қилиш;
- магистрантларни кичик гуруҳларга бўлиб ўқитувчилар раҳбарлигида мустақил билим олишга ўргатиш ва ҳ.к.

Бу фанни ўқитишда инвестиция соҳасига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, инвестиция дастури, низомлар ва инвестиция лойиҳаларини баҳолашнинг ЮНИДО услубиёти ва компьютер дастурларидан, янги компьютер технологиялардан, тарқатма материаллардан, тестлар тўпламидан ҳам фойдаланиш мумкин.

Иш дастурини тузишга оид услубий тавсиялар

Мазкур фан «Инвестиция фаолиятини молиялаштириш» «Давлат инвестициялари» мутахассисликлари бўйича таълим олаётган магистрантларга учинчи семестрда ўқитилиши мўлжалланган. Бу фанни ўқитишда инвестиция фаолиятига тегишли қонунлар, ҳукумат қарорлари, Молия вазирлигининг амалий материалларидан, банкларда лойиҳаларни таҳлил этиш бўйича тавсияномалардан, низомлардан, шунингдек компьютер дастурларидан, сайтлардан фойдаланиш лозим.

«Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» фани маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўргатилади. Магистрантларнинг ўқув жараёнида олган билимларини ўқитувчилар ҳамда белгиланган ҳайъат аъзолари томонидан рейтинг тизими асосида баҳолаш тавсия этилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш" фани бўйича маъруза мавзулари:

Фаннинг предмети ва мазмуни. Марказлашган инвестицияларни моҳияти ва мазмуни

Фаннинг предмети ва вазибалари. Фаннинг таркибий тузилиши, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги. Марказлашган инвестициялар ҳақида тушунча. Иқтисодийда марказлашган инвестицияларнинг объектив зарурлиги. Миллий иқтисодий ривожлантиришда марказлашган инвестицияларнинг тутган ўрни, марказлашган инвестициялар ва ялпи ички маҳсулот.

Хусусийлаштиришда жараёнида инвестицияларнинг шаклланиши

Республикамизда хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари. Хусусийлаштириш ва марказлашган инвестициялар.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимоли. Хусусийлаштириш жараёнига миллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш.

Инвестиция дастури

Инвестиция дастурининг шаклланиши. Марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тармоқларида инвестиция фаолиятининг шаклланиши. Марказлашган инвестицияларни диверсификациялаш масаласи.

Марказлашган инвестицияларни жалб қилиш

Давлат қароли остида жалб қилинадиган инвестициялар. Қаров таъминоти. Инвестицияларни тармоқлар бўйича жойлаштириш хусусиятлари. Давлат қароли асосида жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда самарадорлик масалалари.

Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш

Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш манбалари. Давлат бюджети. Давлат мулк қўмитаси. Марказий банк. Бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш. Ўзбекистонда марказлашган инвестицияларни молиялаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш масалалари.

Давлат аҳамиятига молик хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш

Иқтисодийнинг стратегик тармоқларини ривожлантиришда марказлашган инвестицияларнинг ўрни. Солиқ имтиёзлари. Субсидия. Субвенция. Дотация. Бюджет кредитлари.

Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар

Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги инвестиция бўлими. Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги. Марказий банк. Молия вазирлиги. Иқтисодий вазирлиги. Адлия вазирлиги. Давлат мулк қўмитаси. Хорижий инвестициялар агентлиги.

Рискли молиялаштириш

Риск ва уларнинг турлари. Ҳамкорликда молиялаштиришдаги рисклар. Лойиҳа иштирокчилари ўртасида рискнинг тақсимланиши. Рискни сугурталаш.

Марказлашган инвестицияларни молиялаштиришда чет эл тажрибалари

Ривожланган мамлакатларда марказлашган инвестициялар. Молиялаштириш хусусиятлари. Марказлашган инвестицияларни молиялаштиришда Япония, Буюк Британия ва Франция тажрибаси.

3. АМАЛИЙ (СЕМИНАР) МАШҒУЛОТЛАР МАВЗУЛАРИНИНГ ТАХМИНИЙ РЎЙХАТИ

Марказлашган инвестицияларнинг моҳияти ва мазмуни

Марказлашган инвестициялар ҳақида тушунча. Иқтисодиётда марказлашган инвестицияларнинг объектив зарурлиги. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда марказлашган инвестицияларнинг тутган ўрни, марказлашган инвестициялар ва ялпи ички маҳсулот.

Хусусийлаштириш жараёнида инвестицияларнинг шаклланиши

Республикамизда хусусийлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, Хусусийлаштириш ва марказлашган инвестициялар.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар тақсимоли. Хусусийлаштириш жараёнларига миллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш.

Инвестиция дастури

Инвестиция дастурининг шаклланиши. Марказлашган ва марказлашмаган инвестициялар. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт тармоқларида инвестиция фаолиятининг шаклланиши. Марказлашган инвестицияларни диверсификациялаш масаласи

Марказлашган инвестицияларни жалб қилиш

Давлат кафолати остида жалб қилинадиган инвестициялар. Гаров таъминоти. Инвестицияларни тармоқлар бўйича жойлаштириш хусусиятлари. Давлат кафолати асосида жалб қилинган хорижий инвестицияларни ўзлаштиришда самарадорлик масалалари.

Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш

Марказлашган инвестицияларни молиялаштириш манбалари. Давлат бюджети. Давлат мулк қўмитаси. Марказий банк. Бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш. Ўзбекистонда марказлашган инвестицияларни молиялаштириш ва унинг самардорлигини ошириш масалалари.

Давлат аҳамиятига молик хўжалик юритувчи субъектларни молиявий қўллаб-қувватлаш

Иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини ривожлантиришда марказлашган инвестицияларнинг ўрни. Солиқ имтиёзлари. Субсидия. Субвенция. Дотация. Бюджет кредитлари.

Инвестиция фаолиятини мувофиқлаштирувчи ташкилотлар

Вазирлар Маҳкамаси таркибидаги инвестиция бўлими фаолияти. Ташқи иқтисодий алоқалар Агентлиги. Марказий банк. Молия вазирлиги. Иқтисодиёт вазирлиги.- Адлия вазирлиги. Давлат мулк қўмитаси. Ташқи инвестициялар агентлиги.

Рискли молиялаштириш

Риск ва уларнинг турлари. Ҳамкорликда молиялаштиришдаги рисклар. Лойиҳа иштирокчилари ўртасида рискнинг тақсимланиши. Рискни суғурталаш.

Марказлашган инвестицияларни молиялаштиришда чет эл тажрибалари

Ривожланган мамлакатларда марказлашган инвестициялар. Молиялаштириш хусусиятлари. Марказлашган инвестицияларни тдолиялаштиришда Япония, Буюк Британия ва Франция тажрибаси.

4. ГАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

Таълим жараёнида кўргазмали воситалардан, слайдлар, диапроектор ва жадваллардан фойдаланиш кўзда тутилган. Айрим аниқ масалаларни ўрганишда шахсий компьютерлардан фойдаланиш ҳам тавеия этилади.

«Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» факини ўрганишда магистрантлар амалий ёрдам тариқасида инвестиция сиесатининг асосий йўналишларини, инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш босқичларини ўрганиш бўйича чизмалар, слайдлар билан таъминланади.

Магистрантларга «Марказлашган инвестициялар ва уларни қолиялаштириш» финини ўрганишда турли ахборот воситаларидан, шу жумладан интернет гизимидаги куйидаги сайт ва электрон почталардан фойдаланишлари тавеия этилади:

<http://www.bankofamerica.com/investments/>
<http://www.enegyrtrends.pnl.gov>
<http://www.frtib.gov/>
<http://www.worldbank.org/icsid>
<http://www.ici.org/>
<http://www.aimr.org/>
<http://www.nasbic.org>
<http://www.calvertfoundation.org/>
<http://www.optionetics.com/>
<http://invest-faq.com/>
<http://www.oakinv.com/>
<http://www.hondurasinfo.hn/>
<http://farmbill.farmbill.unl.edu/>
<http://www.eagleinvsys.com/>
<http://www.Apexvc.com>
<http://www.wisebuy.co.uk/>
<http://subscribe.ru>
<http://www.bimk.kiev.ua>
<http://tininfo.bigural.ru> 20.<http://www.bashkortostan.ru>
<http://vuirute.iessl.ru>
<http://tut.by>
<http://www.zelenograd2001.narod.ru>
<http://econsultant.ru>
<http://megapolis.kharkov.ua>
<http://www.rada.kiev.ua>
<http://alyona.nns.ru>
<http://www.hse.ru>
<http://www.samara.ru>
<http://www.vestona.ru>
<http://www.officemart.ru>
<http://www.chtivo.ru>
<http://bdg.press.net.by>

Шунингдек, республикамизда чоп этилаётган газета ва журналлардан, мутахассислигига тегишли маълумотлардан, Молия вазирлиги, Марказий банк, Хорижий инвестициялар бўйича Агентлик, Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки,

Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва бошқа вазирлик ва идораларнинг амалий материалларидан, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент Молия институтида тайёрланган ўқув фильмлар, дидактик материаллар ва мультимедиа иловаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

5. ЎЗЛАШТИРИШ НАЗОРАТИ

Магистрантларнинг ўзлаштиришларини баҳолаш семестр давомида мунтазам равишда олиб борилади ва жорий, оралик, ҳамда якуний баҳолаш орқали амалга оширилади. Жорий ва оралик баҳолашга ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 70 фоизи, якуний баҳолаш эса 30 фоиз миқдорида белгиланган

«Марказлашган инвестициялар ва уларни молиялаштириш» фанидан магистр тўплаши мумкин бўлган максимал балл 80 га тенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 28, оралик баҳолашга ҳам 28, якуний баҳолашга 24 балл ажратилади. Жорий ва оралик баҳолашга белгиланган баллар қуйидаги мезонлар асосида қўйилади:

- магистрантнинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- амалий (семинар) машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- долзарб мавзулар бўйича рефератлар ёзиши;
- мустақил таълим учун берилган назорат ишларини бажариши;
- фан бўйича кўргазмаларни қуролларни тайёрлаши.

Таянч ибораларига асосланган ёзма иш усулини ўтказиш тартиби "Рейтинг тизимини якуний баҳолаш босқичида "Ёзма иш" усулини тадбиқ этиш бўйича намунавий Низом" билан белгиланади. Семестр давомида фанлар бўйича тўпланган баллар қуйидаги ўзлаштириш кўрсаткичлари билан баҳоланади.

86 - 100 фоизгача (68,8 баллдан 80 баллгача) - "аъло";
71 - 85 фоизгача (56,8 баллдан 68,7 баллгача) ~ "яхши";
55 - 70 фоизгача (44 баллдан 56,7 баллгача) - "қониқарли";
55 фоиздан кам (0 дан 43,9 баллгача) - "қониқарсиз".

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистан иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Т.: Ўзбекистон, 1995.
2. Каримов И.А. Ўзбекистан XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистан, 1999.
3. Ўзбекистан Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Чет инвестициялар тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Чет инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш чора-тадбирлари ва унинг кафолатлари тўғрисида» ги Қонуни.
6. Указ Президента Республики Ўзбекистан «О мерах по совершенствованию реализации проектов с иностранными инвестициями».
7. Указ Президента Республики «О дополнительных стимулах и льготах, предоставляемых предприятиям с иностранными инвестициями».
8. Протокол заседания комиссии по реформированию экономической, финансовой и банковской сфер, развитию и укреплению рыночных принципов
9. и механизмов Межведомственного координационного совета по реформированию и инвестициям при Президента Республики Ўзбекистан.

10. Президент Ислом Каримовнинг 2002 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2003 йилда иқтисодий ислохатларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси. Ҳалқ сўзи, 2003 йил, 18 февраль.
11. Абдуллаева Ш. З. Пул, кредит ва банклар. — Т.: Молия, 2000 Абдуллаева Ш. З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Т.: Молия, 2002.
12. Ангелиди М, Каримов Н. Анализ инвестиционных проектов: Учебное пособие - Т.: ТФИ, 2000.
13. Абрютин М.С., Грачева А.В. Анализ финансово-экономической деятельности предприятий: Учебно-практическое пособие.- М.: Дело и Сервис, 2001.
14. Банковское дело и финансирование инвестиций. Под. ред. Н.Брука (Всемирный Банк Реконструкции и Развития) Институт экономического развития Всемирного Банка, 1995.
15. Богатин Ю.В., Швандар В.А.. Оценка эффективности бизнеса и инвестиций. - М.: Юнити, 1999.
16. Ғозибеков Д.Г., Собиров О.Ш. Лизинги ево развитие в Ўзбекистане. - Т.: Молия, 2001.
17. Игошин Н.В. Инвестиции. - М.: ЮНИТИ, 1999.
18. Ковалев В.В. Финансовый анализ. Управление капиталом. Выбор инвестиций. Анализ отчетности. - М.: Финансы и статистика, 2000.
19. Радионова СП., Радионов Н.В.. Оценка инвестиционных ресурсов предприятий. - М.: Альфа, 2001.
20. Г.М.Костюнина, Н.Н.Ливенцев. Международная практика регулирования иностранных инвестиций. - М.: Анкил, 2001.
21. Сергеев И.В. Веретенникова Н.И. Организация и финансирования инвестиций. - М.: Финансы и статистика, 2000.
22. Ендовицкий Д.А. Комплексный анализ и контроль инвестиционной деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2001.

Қўшимча адабиётлар

1. Инвестиционное проектирование: практическое руководство по экономическому обоснованию инвестиционных проектов - М., 1995.
2. Лещенко М.И. Основы лизинга. Учебное пособие - М.: Финансы и статистика, 2000.
3. Гусаков Б.И. Экономическая эффективность инвестиционной собственности. - М.: Финансы, 1998.
4. Сергеев А.А. Экономические основы бизнес планирования. - М.: ЮНИТИ-Дана, 1999.
5. Ложников А.В. Инвестиционный анализ и контроль инвестиционной деятельности. - М.: Финансы и статистика, 2001.
6. Марголин А.М. Экономическая оценка инвестиций. - М.: Финансы и статистика, 2001.
7. Москвин В.А. Кредитование инвестиционных проектов. - М.: Финансы и статистика, 2001.